

**«GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» AJHNING
«MENING UYIM» JISMONIY
SHAHSLARNING MOL-MULKINI
IXTIYORIY SUFURTA QILISH UCHUN
OMMAVIY OFERTASI**

Маҳсулот коди: **128**

Тошкент шаҳри, 2025 йил



«MENING UYIM»
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТА
(2025 йил 07 июлдан жорий этилади)

Ушбу Оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» АЖ нинг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) номаълум доирадаги жисмоний шахсларга (бундан буён Суғурта қилдирувчи деб юритилади) йўлланган қуйидаги суғурта шартларида суғурта шартномасини (бундан буён матнда Суғурта шартномаси деб юритилади) Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида тузиш таклифи бўлиб ҳисобланади. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи шартнома тарафларидир.

Мазкур Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суғурта полиси юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Мазкур Оферта шартларига кўра Суғурта полисида кўрсатилган мол-мулк (суғурта қилинган мол-мулк), шу жумладан кўчмас мол-мулк (конструктив элементлар, муҳандислик ускуналари, ички пардоз), ҳовли-жой (деворлар, дарвоза, ахлат учун ўралар, қудуқлар, омборхоналар, бостирмалар, ҳовлида қопламалар ва бошқа шу каби ҳовлидаги иншоотлардан ташқари), ҳовлидаги бинолар, турар жой, квартиралар; кўчар мулк – мебель, маиший техника, уй ва шахсий кундалик ашёлари суғурта қилиниши мумкин.

Қуйидагилар суғуртага қабул қилинмайди ва суғурта объектлари бўла олмайди:

- эскирган омонат ёки авария ҳолатида бўлган қурилмалар, иншоотлар, квартиралар, шунингдек улар ичида бўлган мол-мулк; хоналар (шу жумладан ички пардоз, бундай хонада бўлган кўчар мол-мулк); қонунда белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар томонидан мол-мулкдан (ускунадан) фойдаланишдан, товарларни сотишдан тизимли равишда фойда олишга қаратилган, мустақил равишда ўзи таваккал қилиб амалга ошириладиган фаолият тадбиркорлик фаолияти эканлигидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналар ва товарлар;

- пуллар; транспорт воситалари; қимматли қоғозлар; қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металллар, тошлар ва заргарлик буюмлари; ахборот ташувчи ҳар қандай воситалар (флешкалар, қаттиқ дисklar ва бошқалар); санъат предметлари; қўлғизмалар; китоблар; фотосуратлар; қоғоз ҳужжатлар; моделлар; макетлар; намуналар; шакллар ва бошқалар.

Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг амал қилишини бошланиши) суғурта мукофоти тўлангач, Суғурталовчи вакили суғурталанаётган мол-мулкни кўрикдан ўтказгандан



сўнг кучга киради ҳамда Суғурта полисида унинг амал қилиши тугайдиган кун сифатида кўрсатилган кунда соат 24:00 да тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ Оферта шартларини қабул қилиниши мазкур Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинганлиги деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга розилик ифодаланади:

– мазкур Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилик; аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотлар билан суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали 5 йил муддатга ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, улардан фойдаланиш, уларни эгасини кўрсатмаслик, блоклаш, йўқ қилишга (йўқ қилиш ҳақида хабар қилмаган ҳолда), шунингдек суғурта шартномасини бажариш, ички ҳужжат айланмасини таъминлаш мақсадида учинчи шахсларга уларни беришга розилик.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қиладиган, Суғурталовчи билан мазкур Оферта шартларида суғурта шартномасини тузган муомалага лаёқатли ва ҳуқуқ лаёқатига эга жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқи ва муомалага лаёқатлигини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг интернет ресурси воситасида Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн тарзда Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари бундан буён матнда мазкур электрон ҳужжатга нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР


1.1. Асосий тушунчалар:

1.1.1. Суғурталовчи – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Истиқболли Лойиҳалар Миллий Агентлигининг Лицензияси асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» АЖ Суғурта компанияси.

1.1.2. Суғурта қилдирувчи – Суғурталовчи билан мазкур Оферта шартларида Суғурта қилиш шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

1.1.3. Наф олувчи – Суғурта қилинган мол-мулк мулкдори ёки Суғурта полисида кўрсатилган, қонунга ёки шартномага асосланган ҳолда мол-мулкни сақланишида манфаатга эга бўлган бошқа шахс.

1.1.4. Суғурта полиси – Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Оферта шартларида мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ва



ушбу Офертанинг 1-иловасида намунаси кўрсатилган шаклдаги ҳужжат. Суғурта полиси Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин унинг электрон манзилига юборилади.

1.1.5. **Суғурта ҳодисаси** – мазкур Офертада назарда тутилган содир бўлган ҳодиса бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчида Суғурта қилдирувчига/Наф олувчига суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келади.

1.1.6. **Суғурта даври** – Суғурта полисида кўрсатилган, Суғурталовчида суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари амал қиладиган вақт даври. Суғурталовчи Суғурта даври бошланишига қадар ва у тугаганидан кейин мавжуд бўлган мол-мулкдаги шикастланишга жавобгар бўлмайди.

1.1.7. **Конструктив элементлар** – деворлар, устки қопламалар, пардеворлар, том ва пойдевор.

1.1.8. **Муҳандислик ускуналари** – сув таъминоти, иситиш, оқова, шамоллатиш, сунъий иқлим ҳосил қилиш, газ таъминоти, электр таъминоти тизимлари ва тармоқлари.

1.1.9. **Ички пардозлаш** – пол, деворлар ва шифтга ишлов беришга доир барча турдаги пардозлаш ишлари, эшик ва дераза конструкциялари.

1.1.10. **Ҳовли-жой** – турар жой (уйнинг бир қисми) ва турар жой билан умумий битта ер участкасида жойлашган ҳовлидаги иморатлар (гараж, ҳаммом, сауна, сунъий ҳовуз), иссиқхона (қишки боғ), чорва ва паррандаларни сақлаш учун хоналар). Ҳовлидаги иншоотлар (деворлар, дарвоза, ахлат учун ўралар, кудуқлар, омборхоналар, бостирмалар, ҳовлида қопламалар ва бошқа шу кабилар) суғуртага қабул қилинмайди.

1.1.11. **Квартира** – кўп квартирали уйда тузилмавий жиҳатдан алоҳида ажратилган жой бўлиб, мазкур жой бундай уйдаги умумий фойдаланишда бўлган жойларга тўғридан-тўғри киришни таъминлайди ва бир ёки бир нечта хоналардан, шунингдек фуқаролар томонидан уларнинг бундай алоҳида жойда яшаши билан боғлиқ маиший ва бошқа эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган ёрдамчи фойдаланишдаги жойлардан иборат бўлади.

1.1.12. **Суғурта ҳудуди** – мол-мулкнинг Суғурта полисида кўрсатилган, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасида доимий жойлашган жойи.

1.1.13. **Суғурта қиймати** – мол-мулкнинг Суғурта шартномаси тузилиши пайтида тарафларнинг келишуви билан аниқланадиган ва суғурта шартномаси тузиладиган кунда мол-мулк жойлашган ерда унинг ҳақиқий (бозор) қийматига тенг бўлган қиймати. Маиший техника учун – вазифасига, сифатига ва фойдаланиш-техник тавсиф кўрсаткичларига кўра худди шундай предметларнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

1.1.14. **Суғурта пули** – Суғурта полисида белгиланган пул маблағлари суммаси бўлиб, у ўзи билан суғурта ҳодисаси юз берганида Суғурталовчи мажбуриятларининг энг юқори ҳажминини ифодалайди.

1.1.15. **Ёнғин** – ўт ёқиш ва уни сақлаш учун махсус мўлжалланган жойлардан ташқарида мустақил тарқалиши мумкин бўлган олов.

1.1.16. **Портлаш** – газлар ва буғларни кенгайишга бўлган интилишга асосланган катта миқдордаги энергиянинг шиддатли кечадиган отилиб чиқиши. Резервуар деворларининг ташқарида ва резервуар ичида босимни тенглаштириш мумкин бўладиган даражада парчаланадиган портлаш резервуарининг портлаши бўлиб ҳисобланади. Агар резервуар ичида кимёвий реакциянинг жадал кечишидан келиб чиқадиган портлаш содир бўлса, у ҳолда бу билан етказилган зарар агар резервуар деворларида бузилиш бўлмаган тақдирда ҳам суғурта билан қопланади. Резервуарда вакуум ёки газнинг сийраклашиши билан етказилган зарар суғурта қилинмайди.



1.1.17. **Яшин уриши** – яшиннинг (яшин – бу атмосферада булутлар ёки булут ва ер ўртасидаги электр разряди) мол-мулкка тўғридан тўғри тушиши бўлиб, унинг йўқотилишини (нобуд бўлишини) ёки зарарланишини келтириб чиқаради. Суғурта билан яшиннинг иссиқлик таъсиридан ва яшин келтириб чиқарадиган ҳаво босими оқибатида юзага келадиган зарар ҳам қопланади.

1.1.18. **Авария** – суғурта қилинган мол-мулкка зарар етказилишини келтириб чиқарган, суғурта ҳудудида жойлашган иситиш, сув таъминоти, оқова, ёнғинга қарши ва бошқа шунга ўхшаш муҳандислик тизимларининг, шунингдек уларга бевосита уланган қурилмаларнинг (сунъий сув ҳовузлари, аквариумлар, кир ва идиш ювиш машиналари ва бошқаларнинг) бузилиши сабабли тўсатдан шикастланиши ёки ишдан чиқиши. Мазкур Оферта доирасида суғурта ҳудудида жойлашган ёнғинга қарши тизимларнинг тасодифан ишлаб кетиши, унинг умумий мол-мулкка тааллуқли оқова тизими қувурининг жисмлар билан тўлиб қолиши, шунингдек Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига тегишли бўлмаган қўшни хоналардан суюқликнинг сингиб ўтиши ҳам авария деб тан олинади.

1.1.19. **Сув таъсиридан зарарланиш** – авария сабабли содир бўлган, ҳар қандай агрегат ҳолатида бўлган суюқликнинг суғурта қилинган мол-мулкка таъсири (шунингдек суюқликни унинг агрегат ҳолати ўзгарганида кенгайишининг таъсири) натижасида унинг шикастланиши ёки йўқ қилиниши шаклида унга зарар етказилиши.

1.1.20. **Учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари** – суғурта қилинган мол-мулкни қасддан ўт қўйиш, бузилиши, зарар етиши, шунингдек бошқа ғайриҳуқуқий, ғайриқонуний, қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида йўқотилиши ёки шикастланиши.

1.1.21. **Ташқи таъсир** тушунчаси остида ҳар қандай ҳаракатланувчи ва учувчи объектлар, жумладан (аммо чекланмаган ҳолда) транспорт воситалари, ўзи юрар машиналар, сув ва темирўл транспорти, учиш аппаратлари ва уларнинг парчалари, ҳайвонлар, дарахтлар, устунлар (симёғочлар), бинолар ва иншоотлар парчалари ва конструкция элементларининг суғурта қилинган мол-мулкка келиб урилиши, у билан тўқнашиши, устига тушиши, бошқа механик таъсири натижасида суғурта қилинган мол-мулкка унинг шикастланиши ёки йўқ қилиниши шаклида зарар етказилганлиги тушунилади.

1.1.22. **Табиий офат** тушунчаси остида сув тошқини, серсувлик натижасида сув тошиб чиқиши, тўсатдан сув сатҳининг кўтарилиши натижасида сув тошиши, қирғоқлардан чиқиши оқибатида сув тошиши, сув босиши, сел, қор кўчиши, довул, пўртана, қуюн, зилзила, ер силжиши, ер кўчиши каби табиий жараёнлар ва ҳолатлар тушунилади.


1.2. Суғурта шартномасини тузиш ва унинг кучга кириши тартиби:

1.2.1. Мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжат бўлиб ҳисобланади;

1.2.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг тўлдирилиши шарт бўлган катакларини мустақил ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслидаги маълумотларга қатъий мувофиқ ҳолда тўлдиради;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва аслига тўғри эканлиги учун ўз зиммасига жавобгарликни олади, шунингдек аризада кўрсатилган ҳужжатларни уларнинг аслига мувофиқ бўлмаганида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурталовчи суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига рози бўлади;



1.2.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.

1.2.6. Офертада таклиф қилинадиган суғурта шартларига рози бўлган тақдирда, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва Суғурта шартномасини тузиш учун аризани (бундан буён матнда Ариза деб юритилади) Суғурталовчининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда тўлдиришга киришади.

1.2.7. Аризани тўлдиришда Суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган барча зарур маълумотларни ва суғурта ҳодисаси юз беришдан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини (суғурта таваккалчилигини) кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг аслига қатъий мувофиқликда кўрсатилиши керак.

1.2.8. Ариза тўлдирилганидан кейин, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасидан фойдаланишга автоматик тарзда рухсат берилади.

1.2.9. Суғурта шартномаси тарафлари Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта полисининг олиниши Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) лозим даражада имзоланганлигини тасдиқлайди.

1.2.10. Суғурта қилдирувчининг Суғурта мукофотини тўлаганлиги факти Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан тасдиқланган сана мазкур Оферта акцепт қилинган ва Суғурта шартномаси тузилган санадир.

1.3. Суғурта шартномаси (полислари) тўловини амалга ошириш:

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) тўлови Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот (онлайн) тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;


1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинги қайта йўналтириш учун ариза қабул қилинганлигини тасдиқлаш Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи аризани тўлдираётганида кўрсатиб ўтган мобил телефон рақамига СМС-хабарни жўнатиш йўли билан амалга оширилади;

1.3.3. СМС-хабар тасдиқлаш коди билан бирга олинганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, ундан кейин у суғурта мукофотининг ҳисобланган суммасини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун танланган тўлов тизимининг сайтига автоматик тарзда қайта йўлланади;

1.3.4. Суғурта полиси қиймати тўланганлиги ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта полисини расмийлаштиришни электрон шаклда автоматик тарзда амалга оширади, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига йўллайди ва ундан кейин Суғурта полисининг серияси ва рақами, Суғурта полиси электрон тарзда жўнатилганлиги факти ҳақидаги маълумотларни ичига олган СМС-хабар жўнатилиши йўли билан Суғурта қилдирувчини хабардор қилади.

1.3.5. Суғурталовчи Тўлов провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўловлар тизими ва интернет орқали тўлаш билан боғлиқ ҳар қандай зарарлари ва таваккалчиликлари учун жавобгар бўлмайди.

1.3.6. Суғурта мукофотини банк картаси билан тўлаш бевосита Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) – карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Агар Суғурта қилдирувчи банк картасини тўлов тўлаш учун бошқа шахсга берган бўлса, Суғурта қилдирувчи бу билан боғлиқ барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олади ва мазкур ҳолатда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланишига рози бўлади.



1.3.7. Суғурталовчининг ахборот тизимида «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасини босиш билан, шунингдек шакллантирилган суғурта мукофотини тўлаган ҳолда Оферта йўлланган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ мазкур Оферта шартларига рози эканлигини билдиради.

1.4. Суғурта шартномасини (суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш. Суғурта мукофотини қайтариш:

1.4.1. Агар Суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолса ва суғурта таваккалчилигининг мавжудлиги суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатларга кўра, айнан эса суғурта қилинган мол-мулкнинг суғурта ҳодисаси юз беришидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлганлиги туфайли тугаган бўлса, Суғурта шартномаси ўзи тузилган муддат келишига қадар тугатилади.

1.4.2. Суғурта шартномаси 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта амал қилган вақтга мутаносиб бўлган қисмини олиш ҳуқуқига эга.

1.4.3. Агар рад этиш пайтида суғурта шартномасининг 1.4.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича суғурта ҳодисасини юз бериши эҳтимоли йўқолмаган бўлса, Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасини бажаришни исталган вақтда рад этишга ҳақли. Бунда Суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

1.4.4. Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) Суғурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш Суғурталовчининг манзилига бекор қилиш ҳақидаги ёзма аризани йўллаш орқали амалга оширилади.

1.4.5. Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) Суғурталовчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш (бир тарафлама тартибда) фақат қонун ҳужжатларида ва суғурта шартномасида назарда тутилган ва йўл қўйилган ҳолларда амалга оширилади.

СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Тўлиқ номи:

«GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» Акциядорлик жамияти

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Усмон Носир кўчаси, 6-уй.

Электрон манзили (расмий интернет ресурси/электрон почта):

www.gross.uz / info@gross.uz

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар:

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йилнинг 17 ноябрида 103-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Лицензия тўғрисида маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли Лойиҳалар Миллий Агентлиги томонидан 2025 йил 02 июлда берилган серияси SF00028-сонли Лицензия.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Суғурта ҳодисаси бўлиб, Суғурта қилинган мол-мулкнинг қуйидагилар оқибатида шикастланиши, нобуд бўлиши ёки йўқотилиши ҳисобланади: ёнғин, яшин уриши, портлаш; авария ва суюқлик таъсири; табиий офатларнинг барча турлари; ташқи таъсир; шунингдек учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари.



3-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар натижасида бевосита ёки билвосита юз берган ҳодисалар суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди:

а) тез алангаланувчан ҳамда портловчи моддалар ва предметларни сақлаш, ўқ-дорилар ва (ёки) портловчи моддаларни портлатиш қоидаларининг бузилиши;

б) электр тармоғига била туриб носоз электр токи истеъмолчиларининг ва суммар қуввати электр тармоғи конструкциясида назарда тутилганидан катта бўлган электр токи истеъмолчиларининг уланиши;

в) суғурта қилинган мол-мулкнинг эскирганлиги ва ишдан чиққанлиги, бижғиши, чириши, эскириши ва суғурта қилинган мол-мулкда содир бўладиган бошқа табиий хусусиятлари ёки хоналар ичида намликни узоқ вақт таъсири (моғор, замбуруғ ва бошқалар) оқибатида суғурта қилинган мол-мулкнинг шикастланиши ёки йўқ қилиниши;

г) Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) билан бирга яшовчи, у билан, Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) яқин қариндошлари билан бирга хўжалик юритувчи ёки Суғурта қилдирувчида (Наф олувчида) меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида ишлайдиган учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) ва/ёки мазкур Қоидаларга мувофиқ учинчи шахслар бўлмаган шахсларнинг ғарази;

д) ёгингарчиликлар натижасида сув билан шикастланиши ёки суғурта қилинган турар жойларни (иморатларни) йиғиштириш ва тозалаш оқибатида, суғурта қилинган мол-мулкнинг суғурта шартномаси тузилишига қадар Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) маълум бўлган нуқсонлари, шикастланишлари.

3.2. Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда суғурта ҳодисасини тан олмаслиги ёки суғурта товонини тўлашни рад этиши мумкин:

а) агар суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини мазкур Қоидаларда белгиланган тартиб ва муддатларга кўра суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида хабардор қилмаса;

б) агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта қилинган мол-мулкка зарар етказган шахс фойдасига зарарни қоплаш ҳуқуқини рад этса ёки агар Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг айби билан бундай ҳуқуқни амалга ошириш имконияти йўқолса;

в) агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлган шахсдан зарар учун тоvon олган бўлса;

г) агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ваколатли органларга (ИИБ, ЁХБ, авария хизматлари ва бошқаларга) ҳодиса содир бўлганлиги ҳақида хабар бермаган бўлса ва агар ваколатли органлар суғурта ҳодисаси юз берганлиги фактини тасдиқламаса;

д) агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи кутилиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш учун оқилона ва ўзи бажара оладиган чораларни қасддан кўрмаган бўлса;

е) мазкур Қоидаларда ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

3.3. Ҳеч бир ҳолатларда Суғурталовчи мазкур Офертада белгиланмаган ёки акс этмаган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайди. Суғурталовчи Суғурта полиси бўйича унинг мажбуриятлари кучга киришига қадар ва унинг амал қилиши тугаганидан кейин юз берган ҳодисалар бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.



4-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимида ҳамма фойдалана оладиган шаклда тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар бўлмайди.

4.2. Суғурталовчи унинг ваколати доирасидан ташқарида бўлган ҳодисалар ва ҳолатлар натижасида юзага келган салбий оқибатлар ва зарарлар учун, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун, айнан эса қуйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

- Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар ишончсизлиги, етарли бўлмаганлиги ва ўз вақтида берилмаганлиги оқибатида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш мумкин бўлмаган ёки Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Оферта шартлари ёки ҳужжатларга талаблар бузилган тақдирда;
- ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги (улардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги) учун;
- алоқа линиялари ишининг бузилиши сабаблари бўйича Суғурта қилдирувчи томонидан полисни расмийлаштириш мумкин бўлмаганда, Суғурта қилдирувчининг ускуналари носоз бўлганида.

4.3. Тарафлар ушбу Оферта бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мазкур Офертада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда жавобгар бўлади.

4.4. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юз берган тақдирда, Тарафлар ушбу Оферта бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

4.5. Мазкур Офертанинг бирор-бир қоидалари суд томонидан ҳақиқий эмас деб тан олиниши қолган қоидаларнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқармайди.

5-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Суғурта полиси амал қилиши даврида ушбу Шартнома бўйича Суғурталовчининг маслаҳатларини олиш;
- б) мазкур Оферта доирасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, ўз ҳисобидан мустақил экспертни ёки мутахассисни жалб қилиш.

5.2. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

- а) мазкур Офертада белгиланган тартибда ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаши;
- б) Суғурталовчини содир бўлган ҳодиса ҳақида мазкур Оферта шартларига мувофиқ ўз вақтида хабардор қилиши;
- в) мазкур Оферта талабларига, газ ва электр ускуналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиши ҳамда мол-мулкдан фақат белгиланган вазифаси бўйича фойдаланиш;
- г) суғурта қилинган мол-мулкдан фойдаланаётган шахсларни мазкур Оферта шартлари билан таништириши;
- д) шикастланган мол-мулкни ва унинг қолдиқларини Суғурталовчига кўздан кечириши учун тақдим этиши ва тиклаш-таъмирлаш ишларини ёки йўқ қилиш бўйича ишларни Суғурталовчи билан дастлабки тарзда келишилмаган ҳолда бошламаслиги;
- е) Суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз беришида айбдор бўлган шахслардан зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини тўланган суғурта товони миқдорида бериши шарт.

5.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:



а) суғурта ҳодисаси юз берганида Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси юз беришига олиб келган ҳолатларни текшириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш;

б) мазкур Оферта билан белгиланган мажбуриятлар Суғурта қилдирувчи томонидан бажарилмаган, етарлича даражада бажарилмаган ёки бажариш рад этилган тақдирда, суғурта товонини тўлашни рад этиш;

в) агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчидан сўров олганидан кейин 30 (ўттиз) кун ичида суғурта ҳодисаси билан боғлиқ маълумотлар ва/ёки ҳужжатларни тақдим этмаса, суғурта даъвоси материалларини кўриб чиқишни тўхтатиб туриш ва суғурта тўловини рад этиш.

5.4. Суғурталовчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) мазкур Офертада белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериши;

б) барча зарур бўлган ҳужжатлар олинганидан ва юз берган ҳодиса суғурта ҳодисаси деб тан олинганидан кейин Суғурта қилдирувчига Суғурта полисида белгиланган миқдорда ва муддатларда суғурта товонини тўлаши;

в) Суғурта полиси амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчидан олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш, бундан Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши ҳоллари мустасно.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Суғурта қилинган мол-мулк билан мазкур Офертанинг 2.1-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи қуйидагиларни бажариши шарт:

а) суғурта ҳодисаси ҳақида уларга маълум бўлган пайтдан эътиборан мол-мулкни қутқариш ва кутилиши мумкин бўлган зарар миқдорини камайтиришга қаратилган оқилона ва бамаъни чораларни кўриши, шунингдек юз берган вазиятда барча имкони бўлган бошқа чораларни кўриши;

б) бу ҳақда тегишли ваколатли давлат органларига дарҳол хабар қилиши;

в) Суғурталовчини бу ҳақда имкон бўлиши биланоқ, аммо 72 соатдан кечикмай хабардор қилиши ва ҳодиса содир бўлганидан кейин 5 (беш) иш кuni ичида Суғурталовчига ҳодиса сабаблари ва ҳолатларини кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юбориши;

г) Суғурталовчига шикастланган мол-мулкни кўздан кечириш учун тақдим қилиши, шикастланган мол-мулкнинг барча қисмларининг фото- ёки видеосуратга тушириши ва уларни Суғурталовчининг вакилига тақдим этиши;

д) Суғурталовчининг дастлабки тарздаги ёзма розилигисиз мол-мулкни таъмирлаш-тиклаш ишларини ёки мол-мулкнинг қолдиқларини йўқ қилиш ишларини бошламаслиги шарт.

Мазкур талабларнинг бажарилмаслиги суғурта ҳодисасини тан олинмаслигига ва суғурта товонини тўлашни рад этишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

6.1.1. Суғурта қилдирувчи суғурта товонини тўлаш ҳақидаги ариза билан бир вақтда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

– Суғурта полисининг нусхаси;

– шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

– эгалик қилиш ҳуқуқи тасдиқловчи ҳужжатлар (кадастр ҳужжатлари, ижара шартномаси ва бошқалар);

– баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган баҳоловчининг хулосаси ёки баҳоловчи ташкилотнинг Суғурта қилинган мол-мулкка етказилган зарар миқдори ҳақидаги хулосаси;



– суғурта ҳодисаси юз бериши ҳолатларини текшираётган ваколатли органлар (ЁХБ, ИИБ, авария хизматлари ва бошқалар) томонидан тузилган ҳужжат;

– шикастланган ёки йўқотилган мол-мулкнинг унинг қиймати ва харид қилинган йили ҳамда предметни идентификация қилишга имкон берувчи ахборот (русуми, модели, ишлаб чиқарувчиси ва бошқалар) кўрсатилган ҳолда, шикастланган мол-мулкнинг фотосуратлари илова қилинган ҳолда рўйхати.

6.1.2. Талон-торож, ўғрилиқ, босқинчилик ва талончилик содир этилган тақдирда, Суғурта қилдирувчи йўқотилган мол-мулкнинг унинг қиймати ва харид қилинган йили ҳамда предметни идентификация қилишга имкон берувчи ахборот (русуми, модели, ишлаб чиқарувчиси ва бошқалар) кўрсатилган ҳолда рўйхатини, жиноятни тергов қилиш ҳақида ички ишлар органларига ариза ва жиноят иши кўзғатилиши (тергов қилиниши) ёки айбланувчи (номаълум) шахсни қидирувга берилиши тўғрисидаги тегишли қарор нусхасини тақдим этиши шарт.

6.2. Ҳодисага тааллуқли барча маълумотлар ва ҳужжатлар ўрганилганидан кейин, Суғурталовчи Суғурталовчи содир бўлган ҳодисасини суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор чиқаради. Аризани кўриб чиқиш муддати суғурта товонини тўлаш ҳақидаги илтимос билан мурожаат қилинганидан ва зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин 15 (ўн беш) кунни ташкил этади. Суғурта қилдирувчи томонидан Офертанинг 6.1-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган тақдирда, агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчидан сўров олганидан кейин 30 (ўттиз) кун ичида суғурта ҳодисаси билан боғлиқ маълумотлар ва/ёки ҳужжатларни тақдим этмаса, Суғурталовчи суғурта даъвоси материалларининг кўриб чиқилишини тўхтатиб туришга ва суғурта товони тўлашни рад этишга ҳақли.

6.3. Суғурта ҳодисаси тан олинганда, Суғурталовчи суғурта қилдирувчига/наф олувчига зарарни баҳолаш бўйича ҳақиқий харажатларни, лекин икки базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаган миқдорда қоплайди.

6.4. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тан олинганидан кейин, тарафлар томонидан Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади ва имзоланади, унда тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг суммаси белгиланади.

6.5. Агар ҳодиса юз бериши факти бўйича жиноят иши кўзғатилган ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисида иш кўзғатилган бўлса, Суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суммани тўлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишни ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтига қадар кечиктириш ҳуқуқига эга.

6.6. Содир бўлган ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олинмаган тақдирда, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори барча ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечикмаган муддат ичида Суғурта қилдирувчига хабар қилиниши ва рад этишнинг асосланган сабабларини ичига олиши керак.

Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг рад этиш тўғрисидаги қарорига рози бўлмаган тақдирда, у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ судга мурожаат қилиши мумкин.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур Офертанинг 2.1-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, суғурта товонининг миқдори қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқарилади:

а) Ички пардоз ва/ёки конструкция элементларига зарар етказилганда – тиклаш харажатларининг қиймати миқдорида, аммо суғурта пулидан ортиқ эмас ва фойдаланиш учун



яроқли бўлган қолдиқларни чегириб ташлаган ҳолда. Тиклаш харажатларининг қиймати миқдори суғурта ҳодисаси юз берган пайтда шикастланган мол-мулк қийматини ва Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган, лицензияга эга баҳоловчи ташкилот томонидан берилган зарар тўғрисидаги хулосани ҳисобга олган ҳолда аниқланади;

б) Муҳандислик ускуналарига зарар етказилганда – таъмирлаш қиймати миқдорида, аммо суғурта пулидан ортиқ эмас ва фойдаланиш учун яроқли бўлган қолдиқларни чегириб ташлаган ҳолда. Таъмирлаш қиймати миқдори суғурта шартномаси тарафлари ва ихтисослашган ташкилот ўртасида тузилган нуқсонлар ҳақидаги далолатномага кўра аниқланади;

в) Тиклаш (таъмирлаш) учун харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

– тиклаш (таъмирлаш) учун материаллар ва эҳтиёт қисмлар учун харажатлар;

– ишлар ҳақини тўлаш харажатлари.

Қуйидагилар Тиклаш (таъмирлаш) учун харажатлар таркибига кирмайди:

– суғурта қилинган мол-мулкни яхшиланиши учун амалга оширилган қўшимча харажатлар;

– вақтинча ёки ёрдамчи таъмирлашдан ёки тиклашдан келиб чиқадиган харажатлар;

– заруратидан ортиқча амалга оширилган харажатлар;

– материалларни таъмирлаш жойига етказиб бериш бўйича харажатлар ва суғурта қилинган мол-мулкни у суғурта ҳодисаси юз беришидан бевосита олдинги ҳолатида тиклаш учун зарур бўлган бошқа харажатлар;

– ускуналарни янгидан йиғиш, уни профилактика таъмирланиши ва унга техник хизмат кўрсатилиши учун амалга оширилган харажатлар, шунингдек суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлмаган харажатлар.

7.2. Мазкур Оферта шартларига кўра кўчар мол-мулк бўйича суғурта товонининг миқдори қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) Мебель гуруҳи бўйича – Суғурта қилдирувчи томонидан асослаб берилган зарар қиймати миқдорида, аммо суғурта пулининг 10% дан ортиқ эмас;

б) Маиший техника гуруҳи бўйича – Суғурта қилдирувчи томонидан асослаб берилган зарар қиймати миқдорида, аммо суғурта пулининг 5% дан ортиқ эмас;

в) Уй ва шахсий кундалик ашёлари гуруҳи бўйича – суғурта пулининг 2% миқдорида.


г) талон-торож, ўғрилик, босқинчилик ва талончилик содир этилган тақдирда – йўқотилган мол-мулк миқдорида, аммо Суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 5% дан ортиқ эмас.

7.3. Фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши муносабати билан суғурта товонининг миқдори – етказилган зарар миқдорида, аммо Суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 5% дан ортиқ эмас.

7.4. Кутилмаган харажатлар бўйича суғурта товонининг миқдори – Суғурталовчининг розилиги билан сарфланган, ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар миқдорида, аммо Суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 5% дан ортиқ эмас.

7.5. Суғурта товони тарафлар томонидан Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган кундан эътиборан 10 (ўн) банк куни ичида олувчининг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўланади.

7.6. Суғурталовчининг банкдаги ҳисоб рақамидан пул маблағлари ўтказилган кун суғурта товони тўланган кун деб ҳисобланади.



7.7. Суғурта ҳодисаси юз берганида зарарни қоплаш учун амалга оширилган ҳар бир тўлов Суғурталовчи мажбуриятлари лимитини (суғурта пулини) бундай тўлов суммасига камайтиради.

8-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ


8.1. Суғурта натижасида қопланган зарарни етказилишига жавобгар бўлган шахсга нисбатан Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига у томонидан тўланган сумма доирасида ўтади. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ва Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини у томонидан амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларни хабар қилиши шарт.

8.2. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарарни етказилишига жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечган бўлса ёки мазкур ҳуқуқни Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг айбига кўра амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмида озод қилинади ва ортиқча тўланган товон суммаси қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

9-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

9.2. Мазкур Офертадан келиб чиққан барча низолар ва келишмовчиликлар тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал қилинади, музокаралар йўли билан келишувга эришилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJ
04.07.2025 йилдаги «MENING UYIM» жисмоний
шахсларнинг мол-мулкни ихтиёрий суғурта
қилиш учун оммавий офертасининг
1-илоvasи

НАМУНАВИЙ СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ ЭЛЕКТРОН ШАКЛИ

YAGONA
AVTOMATLASHTIRILGAN
AXBOROT TIZIMI
ersp.e-osgo.uz

Seriyasi: EGSS
Серия:



QR-kod

GROSS

№ _____

____/128/____ - sonli sug'urta shartnomasi bo'yicha
по Договору страхования №10/136/____

ELEKTRON SUG'URTA POLISI
Электронный полис страхования

1	Sug'urta mahsulotining nomi Название страхового продукта	
2	Sug'urtalovchi Страховщик	
3	Sug'urta qildiruvchi Страхователь	
4	Sug'urtalangan shaxs Застрахованное лицо	
5	Naf oluvchi Выгодоприобретатель	
6	Sug'urta obyekt Объект страхования	
7	Sug'urta shakli Форма страхования	
8	Sug'urta klassi Класс страхования	
9	Sug'urta tavakkalchiliklari Страховые риски	
10	Sug'urta qiymati Страховая стоимость	
11	Sug'urta summasi Страховая сумма	
12	Franshiza Франшиза	
13	Sug'urta mukofoti Страховая премия	
14	Sug'urta polisining amal qilish muddati Период страхования	_____ dan с _____ do _____ gacha
15	Sug'urta himoyasiga olingan hudud Территория страхования	
16	Sug'urta qoidalar Правила страхования	
17	Sug'urta tashkilotining manzili Адрес Страховщика	
18	Alohida qaydlar Отдельные примечания	

Sug'urta hodisasi yuz berganda quyidagi raqam orqali murojaat qiling:

При наступлении страхового случая звоните по следующему номеру

+998 (71) 207-00-11

Sug'urta tashkilotining telefon raqami
Телефон номер страховой компании

Berilgan sanasi: _____

Дата выдачи: _____

Berilgan vaqti: _____

Время выдачи: _____

